

Фарход Мусажонов кўп киррали ижодкор. У аввало адиб, носир, драматург ва киноссенариист хамдир. У 1932 йили Тошкентда таваллуд топган. 1956 йилга келиб, Тошкент Давлат дорилғунунининг шарқ факултетини муваффакиятли тугатади. Республика радиоси, телевидениеси хамда «Ўзбекистон маданияти» рўзномаси, «Гунча» ва «Шарқ юлдузи» ойномаларида фаолиятда бўлади. Хозирги кунда эса «Ўзбекфильм» студиясида ишлайди.

Унинг адабий ижодининг бошланиши 50-йилларнинг ўрталарига тўғри келади. Хозиргача унинг хикоя ва киссалардан иборат 30 га якин тўплами нашр этилган. Шулардан 10 га якини хикоялар, тўртта киссаси мавжуд. Булардан ташкари, у драматург сифатида олтига пъеса, бешта киноссенарий муаллифи хамдир. Яна канчадан-канча хажвий хикоя, интермедия, болалар учун ранг-баранг жанрда асарлар хам яратган. Жумладан, «Офтобни кувалаб», «Бўш келма, Аликулов!», «Бир култум булок суви» каби китобларини эслаш кифоя. Шунингдек, яратилган юздан ортик хикояларининг ярмидан кўпи хажвий асарлар сирасига киради. Унинг «Душанба, нонуштадан сўнг» (1974), «Бог кўчамни кўмсайман» (1977), «Килич ва шамшир», «Кўргулик» каби киссалари хам ўз ўкувчисига эга.

У драматург сифатида «Ок кабутар», «Нажот истаб» (Хамза театрида кўйилган), «Олифта», «Хизматингга хозирман», «Талваса» (Мукимий театрида сахиалаштирилган) каби драмалар хам яратган. Айни чогда «Жазирама офтоб остидаги уй», «Бировнинг боши», «Миноралар» остидаги сирк» «Кўзларим йўлингда», «Хувайдо» (Икки серияли) каби ссенарийлар муаллифи хамдир. Шунингдек, адебнинг «Хамлет» (1984), «Бог кўча» (1987) каби кисса ва хикоялардан иборат тўпламлари «Текин томоша» (1989) каби болалар учун хикоялар мажмуаси хамда «Глоток родниковой воды» (1987, рус тилида) сингари китоблари чоп этилди. Истеъдодли ва сермаҳсул хикоянавис, киссанавис бўлиши билан бирга, хажвий жанр устаси, болалар адиби, драматург, киноссенариист ва кинопублисист сифатида китобхон ва томошабинга якинdir.